

# ЯНГИ

# ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 57 (846), 2023 йил 24 март, жума



## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 23 март куни озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, баҳорги экин мавсумини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Озиқ-овқат таъминоти аҳоли фаровонлигида ва инфляцияни жилавланда энг муҳим омиллардан бири. Сўнгги йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга 200 минг гектар ер ажратилгани ҳамда 500 минг гектар қўшимча ерлар фойдаланишга киритилгани ички бозорда нарх-навоини барқарор сақлашга хизмат қилляпти.

Халқ дастурхони тўкин бўлиши учун давлатимиз раҳбарининг фармони билан 2024 йил 1 январгача 35 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига боғлардан имтиёз берилди. Бундан ташқари, 1 майдан ижтимоий реестрга кирган аҳолига мол, қўй ва парранда гўшти, тухум ва усимлик ёғи харид қилса, қўшилган қиймат солиғи қайтарилади. Бу орқали 2 миллиондан ортиқ оилга энгиллик бўлади.

Жаҳонда охириги икки йилда озиқ-овқат инфляцияси йилига 15-20 фоиздан пасаймапти. Усимлик ёғи, сут ва гўштининг нархи сўнгги 30 йилда энг юқори даражага кўтарилган. Транспортда ташиш, ўғит ва ёқилги харажатлари ошиб кетгани ҳам озиқ-овқат нархларига ўз таъсирини кўрсатяпти.

Тахлилларга кўра, бу ҳолат 2023 йилда ҳам, келгуси йилларда ҳам сақланиб қолади. Шу боис, озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, одамларни банд қилиш бўйича қўшимча имкониятлар топиш керак.

Йиғилишда ҳудудлардаги ана шундай имкониятлар таҳлил қилиниб, уларни ишга солиш чора-тадбирлари белгиланди.

— Озиқ-овқат етиштириш учун ҳамма шароит қилиб берилди. Бошқа қўшимча ер беришнинг иложи йўқ. Энди илм, меҳнат ва самарали технологиялар билан маҳсулдорлигини ошириш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Утган йили озиқ-овқат етиштиришга имтиёзли кредитлар ажратиш, уруғ, кўчат, ўғит ва маҳсулот сотиб олишни тўғридан-тўғри молиялаштириш йўлга қўйилгани яхши самара берган эди. Жорий йилда бу мақсадга 6 триллион 200 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланди.

Жумладан, қишлоқ хўжалиги жамғармасидан мева-сабзавотчиликка айланма маблағлар учун 700 миллиард сўм йўналтирилди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 130 миллион доллар маблағни тадбиркорларга тўғридан-тўғри ажратади. Бунинг учун тадбиркорлар ўз лойиҳаларини вазирликнинг шаффоф электрон платформаси орқали тақдим қилади. Ажратилган кредитнинг 20 фоизи олдиндан, қолган 80 фоизи 10 йил давомида бўлиб-бўлиб тўланади. Бунда "банк устамаси"

бўлмагани туфайли кредит фоизи ҳам арзон бўлади.

Шунингдек, ЈСА томонидан озиқ-овқат етиштириш ва қайта ишлашга 200 миллион доллар ажратилаётгани кайд этилди.

Ушбу маблағлардан самарали фойдаланиб, янги боғлар ташкил қилиш зарурлиги таъкидланди.

Қишлоқ хўжалигини саноатлаштириш, одамларни ишли қилиш борасидаги имкониятлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Масалан, пилла бир ойда энг тез тайёр бўладиган даромадли маҳсулот. Лекин туманларда бу бўйича лойиҳа кам.

Шу боис, аҳолига яқин лалми ва яйлов майдонларни ўзлаштириб, пилла кластерлари ташкил қилиш вазифаси қўйилди. Бу ерлар Вьетнам тажрибаси асосида одамларга 1-2 гектардан ҳам тўт, ҳам озиқ-овқат экиш учун берилди. Натижада тармоқда 2 миллион аҳолини банд қилиш ва 600 миллион доллар қўшимча экспорт имконияти пайдо бўлади.

Яна бир фойдаланилмаётган манба — дала ва коллектор-дренажлар атрофидаги ерлар. Бундай жойларни аниқлаб, фермер хўжалиги ишчилари ва эҳтиёжман аҳолига ижарага бериш мумкинлиги айтилди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлаш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Бугунги кунда кластер, фермер ва деҳқонлардан 11 мингга яқин техника ва агрегатларга талаб шакллантирилган. Шу боис, 1 апрелдан маҳаллий ишлаб чиқарилган барча техникалар хариди учун 15 фоиз субсидия бериладиган бўлди. Импорт қилинган техникалар уч йил муддатга боғхона божи ва утилизация йиғимидан озод қилинади, улар бўйича қўшилган қиймат солиғини кечиктириб тўлашга рухсат берилди. Техника хариди учун 10 йил муддатга 10 фоизлик кредитлар ажратилади. Мутасаддиларга буни молиялаштириш бўйича топшириқ берилди.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига кўп импорт бўлаётган 25 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини юртимизда ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни кўпайтириш вазифаси қўйилди. Иқтисодий воситаларни кўллаб, деҳқонлар ва тадбиркорларга қўлай шароитлар яратиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича тармоқ ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботлари, тадбиркорларнинг фикрлари эшитилди.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИСТЕЪМОЛ БОЗОРЛАРИДА НАРХЛАР БАРҚАРОРЛИгини ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳолининг харид қобилиятини мустаҳкамлаш, асосий турдаги озиқ-овқат ва истеъмол маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни таъминлаш, товарлар таъминотининг глобал занжирларини диверсификациялаш ҳамда инфляция даражасини жилавлаш мақсадида:

1. 2024 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона божининг ставкаси қўлланиладиган товарлар рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 майдаги "Истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлашга ва монополияга қарши чораларнинг таъсирчанлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-145-сон фармонида:

1-банддаги ва 1-илованинг номла-нишидаги "2023 йил 1 июлга қадар" сўзлари "2024 йил 1 январга қадар" сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банддаги "2023 йил 1 январга қадар" сўзлари "2024 йил 1 январга қадар" сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Ходжаев) бир ой муддатда: манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини республика ҳудудига олиб киришда давлат назоратидан ўтказиш жараёнининг самарадорлигини ошириш ҳамда уни хавфни таҳлил қилиш тамойили асосида йўлга қўйиш;

импорт қилишда божхона божининг ноль ставкаси қўлланиладиган кундалик истеъмол товарлари рўйхатини кенгайтириш бўйича тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

4. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

5. Мазкур фармоннинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А.Ходжаев зиммасига юклансин.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2023 йил 23 март

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ АҲОЛИГА МАЪМУРИЙ ЖАРИМАЛАРНИ ТЎЛАШДА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ ҲАМДА СОҲАДА КОРРУПЦИОН ОМИЛЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аҳолига маъмурий жарималарни тўлашда қўшимча қулайликлар яратиш ва жарима юқини камайтириш, қўлланилган жарималарни ижро этиш тизимини янада соддалаштириш, шунингдек, давлат органларининг аҳоли билан муносабатларида ортиқча бюрократик тўсиқларни ва коррупцион омилларни бартараф этиш мақсадида:

1. 2023 йил 1 майдан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича қўлланилган жаримани ихтиёрий тўлаш тизими янада соддалаштирилсин. Унга кўра: ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг 50 фоизини, уттиз кун ичида 70 фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинсин;

мазкур тартиб суд қарорларига асосан қўлланиладиган жарималарга нисбатан ҳам таъбиқ этилсин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур бандда назарда тутилган талаблардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тегишли қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

2. Суд ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш соҳасида суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш ҳамда қўқаро ва тадбиркорларни фийнаётган муаммоларни ҳал этиш мақсадида, белгилансинки:

Мажбурий ижро бюроси томонидан қўлланиладиган маъмурий жариманинг миқдори ижро ҳужжатига ундирилиши белгиланган суммадан юқори бўлиши мумкин эмас;

▶ Давоми 2-бетда

## ОРОЛ ДЕНГИЗИ УМИД ВА ЯНГИЛАНИШ РАМЗИГА АЙЛАНМОҚДА

Ўзбекистон делегацияси БМТнинг тарихий конференциясида иштирок этди

22-24 март кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида ташкилотнинг Сув масалалари бўйича конференцияси ўтказилмоқда. Унда 2030 йилга қадар Барқарор ривожланиш мақсадлари йўлида обиҳаёт орқали дунёни бирлаштириш, сайёрамиз фаровонлигида денгиз ва океанларнинг аҳамияти, бу борадаги глобал ташаббуслар БМТга аъзо барча мамлакатлар, ихтисослашган идоралар томонидан нуфузли спикерлар иштирокида кўриб чиқилмоқда.

Халқаро ҳамжамият 45 йиллик танаффусдан сўнг илк марта бундай конференцияда жам бўлди. Чунки масала ниҳоятда долзарб: 2050 йилга бориб сайёрамиз аҳолисининг 5 миллиард киши сув танқислигидан азият чекиши мумкин. Ўзбекистоннинг ҳам бу борада айтир сўзи ва тақлифлари, салмоқли тажрибаси бор. Чунки катталиги бўйича ўз вақтида дунёда 4-уринда бўлган Орол денгизи Ўзбекистонда жойлашган ва унинг бугунги тақдирини фақат бизгина эмас, балки бутун халқаро ҳамжамиятга дахлдор масала.

Қолаверса, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳар гал Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг олий даражадаги йиғилишларида иштирок этар экан, айнан шу муаммони кўтарди ва бу йўналишда муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Конференция ишида тузилмага аъзо 198 мамлакат қаторида Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этмоқда.

23 март куни конференциянинг юқори даражадаги ялли мажлисида мамлакатимиз делегацияси аъзоси Саида Мирзиёева нутқ сўзлаб, БМТ минбаридан Орол денгизи фожиясининг оқибатлари, уларни юмшатиш бўйича Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ва бу борадаги халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиришда мамлакатимизнинг етакчилиги хусусида сўз юритди.

Саида Мирзиёева Оролбўйидаги Мўйноқ илгари йирик ишлаб чиқариш қувватларига эга порт шаҳар бўлгани, кейинчалик мувозанат бузилиб, денгизнинг ўлик қирғоқлари кемалар қабристонига айланганини таъкидлаб, қорақалпоқ элининг атоқли шоири ИБорой Юсупов ижодидан денгизнинг кўз очиб

юмгунча саҳрога айланиши тасвирланган сатрларни ўқиб берди.

— Орол денгизининг инқирози инсониятнинг атроф-муҳитга эътиборсизлиги оқибатлари ҳақида даҳшатли эслатмадир. Бироқ ғамхўр одамларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли у яна умид ва янгилашиш рамзига айланмоқда, — деди Саида Мирзиёева.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббуслар халқаро даражада қўллаб-қувватланиб, 2021 йилда БМТ Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар зонаси деб эълон қилиш ҳақидаги резолюция қабул қилингани, сал аввалроқ — 2018 йилда Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосидаги траст фондига асос солингани кайд этилди.

▶ Давоми 2-бетда

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА ОКРУГ КОМИССИЯЛАРИ ТУЗИЛДИ

"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги конституциявий қонун лойиҳаси бўйича жорий йил 30 апрель куни бўлиб ўтадиган референдумни ўтказишга тайёргарлик жараёни Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартиб-тамоийлар асосида изчиллик билан мувофиқлаштириб борилмоқда.



Марказий сайлов комиссиясининг жорий йил 16 мартдаги мажлиси қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегараларида 14 та референдум округи ташкил этилган эди. Қуни кеча бўлиб ўтган мажлисда эса

қонун талабларидан келиб чиқиб, референдумга тайёргарлик кўришдаги навбатдаги босқич — референдум ўтказувчи округ комиссияларини тузиш масаласи кўриб чиқилди.

▶ Давоми 2-бетда

## БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОШ МАҚСАДИ ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШ

Юртимиз тарихида халқпарвар давлатчилик ҳам бўлган. Лекин 126 йил қарамлик даврида давлат халқ яхши яшashi учун қайгурмади, унинг ишончи ва меҳрини қозонишга ҳаракат қилмади.

1865 йилдан давлат билан халқ орасида чуқур жарлик пайдо бўлди. Мустақиллик бўлган давримизда ҳамма масала ва ҳамма вақтда қарорлар бир томон манфаатидан келиб чиқиб қабул қилинган, халқимиз орзу-умидлари, ташвишлари, муаммолари ўйланмаган. Иқтисодий таъминотлар учун хизмат қилган, у бир томонлама ривожлантирилди, биз фақат арзон хомашё етиштириб берувчи ўлкага айланганмиз.

Афсуски, узок йиллар Навоий, Форобий боболаримиз

асарларида ёзган, халқимиз орзу қилган жамиятнинг ярата олмадик. Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз Президентини лавозимига сайланган пайтда Ўзбекистон олдида турган энг мураккаб муаммолардан бири халқнинг давлатга бўлган ишончини тиклаш эди. Мазкур мақолада мамлакатимизда халқни рози қилиш борасида олиб борилаётган улкан тадбирларнинг айримлари ҳақида фикр юритилади.

▶ Давоми 3-бетда



# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ АҲОЛИГА МАЪМУРИЙ ЖАРИМАЛАРНИ Тўлашда қўшимча қулайликлар яратиш ҳамда соҳада коррупцион омилларни БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Бошланғич 1-бетда

Мажбурий ижро бюроси номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳамда маъмурий жазо қўллашга фақат Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат ижросисига, Қорақалпоғистон Республикасига, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг бош давлат ижросчилари, уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, Мажбурий ижро бюросининг туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари ҳақлидир.

Бош прокуратура бир ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган талаблардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тегишли қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

3. Олий суд, Ички ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлигининг судланганлик муддатининг тугалланиши ва уни олиб ташлаш йўналишида бюрократия ва сансалорлик ҳолатларига чек қўйиш, шунингдек, эскирган ва замон талабларига мос келмайдиган тартиб-таомилларни тубдан қисқартириш мақсадида соҳага проактив шаклдаги давлат хизматларини кўрсатиш тамойилларини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб:

а) судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши ҳақидаги

маълумотлар Ички ишлар вазирлигининг "Тезкор маълумотлар" ягона ахборот тизимида автоматик равишда онлайн шаклантирилади;

б) судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланганлиги ҳақидаги маълумотнома судланганлик муддати тугаган ёки судланганлик олиб ташланган сананинг эртасидан кечиктирмасдан тегишли шахсининг Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинетига автоматик равишда бепул юборилади.

Ички ишлар вазирлиги Олий суд, Бош прокуратура ва Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда 2023 йил 1 июлга қадар мазкур банд ижросини таъминлаш билан боғлиқ барча зарур чораларни кўрсин.

Бунда, жумладан, "Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика" ягона ахборот тизимида қуйидаги маълумотлар автоматик равишда акс эттирилишини таъминлаш йўлга қўйилсин:

Олий суд ва Ички ишлар вазирлигининг ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали судда

ихтиёрий тўланган жарималар, суд қарорларини ижро этишда юзага келадиган масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ материалларнинг кўрилиши ҳақидаги маълумотлар;

Мажбурий ижро бюроси ва Ички ишлар вазирлигининг ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали ундирилган жарималар ҳақидаги маълумотлар; "Пробация ҳисоби" электрон базаси билан "Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика" ягона ахборот тизимини ўзаро интеграция қилиш орқали пробация ҳисобидан озод этилган шахслар ҳақидаги маълумотлар.

4. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб ички ишлар вазири П.Р.Бобожонов, Олий суд раиси Б.Д.Исламов ҳамда Бош прокурор Н.Т.Йўлдошев белгилансин.

Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрациясининг раҳбари С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,  
2023 йил 23 март

Ш.МИРЗИЁЕВ

# ОРОЛ ДЕНГИЗИ УМИД ВА ЯНГИЛАНИШ РАМЗИГА АЙЛАНМОҚДА



Бошланғич 1-бетда

Давлатимиз амалга ошираётган чора-тадбирлар ҳақида сўз борганда, минтақани моплялаштириш, иқтисодий салоҳиятини ошириш, асосийси, матонатли қорақалпоқ элининг саломатлигини тиклаш, ҳудудда яшил боғларни яратиш учун 14 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратилгани айтилди.

Фожиа оқибатларини бевосита ўз бошидан кечириётган Қорақалпоғистон халқининг матонати, меҳнатсеварлиги, яратувчанлиги алоҳида эътироф этилди. Минтақанинг оғир шароитида, айниқса, аёллар кучли ғамхўрлик ва кўмакка муҳтожлиги, улар учун имкониятларни кенгайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Сўзининг якунида Саида Мирзиёева халқаро ҳамжамиятни глобал сув масалалари билан чамбарчас боғлиқ бўлган Орол

фожиаси оқибатларини юмшатишда Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашни давом эттиришга чақирди.

22 март куни БМТнинг Сув масалалари конференцияси доирасида Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан ташкил этиладиган Agal Culture Summit — Орол маданият саммити лойиҳасининг тақдими ўтказилди. Бу маҳаллий ва халқаро ҳамжамият, етакчи олимлар, архитекторлар, рассом ва дизайнерларни бирлаштирадиган янги институт.

Орол маданияти саммити доирасида ёш авлодни минтақадаги вазиятни яхшилашга ҳисса қўшадиган кўникмаларни шакллантиришга ундайдиган таълим ва алмашинув дастурлари, стипендиялар ва стажировкалар ташкил этилади.

Шунингдек, саммит доирасида биодизайн ферма-лабораторияси ташкил этилади. Лойиҳа доирасида минтақани сув билан таъминлаш, янги экин турларини яратиш, шунингдек, ҳудудда шўрланишни камайтириш бўйича турли технологиялар ўрганилади ва ишлаб чиқилади.

Саммит ижодкорларни маҳаллий фермерлар билан бирлаштириб, янги ўсимликлар етиштириш учун биодизайн соҳасида барқарор алоқаларни ўрнатиши ва шу орқали келгуси 10 йилга мўлжалланган стратегик режани ишлаб чиқиши маълум қилинди. Бу маҳаллий ҳамжамиятда улкан ўзгаришлар учун замин яратди.

Бўлажак саммитнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти конференция доирасида ўтган "Сув ҳамкорлиги учун: сув ресурслари соҳасида трансчегаравий ва халқаро ҳамкорлик, сув соҳасидаги тармоқлараро, шу жумладан, илмий алоқалар ҳамда 2030 йилга қадар Барқарор ривожланиш кун тартибининг сувга оид мақсадларига эришиш" мавзусидаги сессияда ва жамғарма томонидан халқаро экспертлар иштирокида ташкил этилган "Санъатдан — ҳаракатга: Оролбўйи минтақасининг қайта тикланиши учун саҳрони ўрмонга айлантириш" мавзусидаги панель муҳокамасида батафсил очиб берилди.

Шунингдек, БМТ конференциясида иштирок этиш асосида Нью-Йорк шаҳрида АҚШдаги ватандошларимиз билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Нью-Йорк мэри Эрик Адамс ҳам иштирок этди.

Саида Мирзиёева йилгиланларни Наврўз байрами билан табриклади, мамлакатимизда амалга ошириладиган улкан ислохотлар тўғрисида сўзлаб берди.

Самимий суҳбатда ватандошларимиз она юрти билан алоқаларини узмаётгани, мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатиб бораётгани, турли лойиҳаларни амалга ошириш орқали Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги маданий, сиёсий ва иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётгани хусусида сўз юритилди.

ЎЗА

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

# ОКРУГ КОМИССИЯЛАРИ ТУЗИЛДИ

Бошланғич 1-бетда

"Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги қонунга кўра, референдум ўтказувчи округ комиссияси референдум таъинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан ўн кундан кечикмай комиссия раиси, раис ўринбосари, котибидан ва комиссиянинг саккиз — ўн саккиз нафар бошқа аъзосидан иборат таркибда тузилади.

Референдум ўтказувчи округ комиссиялари аъзоллигига номзодлар дастлаб Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашлари мажлисларида атрофлича муҳокама қилинди ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқлаш учун тавсия этилди. Ушбу тавсияларга асосланган ҳолда ҳамда қонун талабларидан келиб чиқиб, Марказий сайлов комиссияси мажлисида референдум ўтказувчи 14 та округ комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди ва уларнинг таркиблари тасдиқланди.

Қонунга мувофиқ, округ комиссиялари таркибига сайлов ҳамда референдум ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозongan фуқаролар, жумладан, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, педагоглар, шифокорлар, муҳандислар, журналистлар ва бошқа касб вакиллари киритилган. Референдум ўтказувчи округ комиссиялари жами 266 аъзодан иборат бўлиб, шулардан аёллар 112 нафарни, яъни 42 фоизни ташкил этади. Округ комиссиялари раҳбар (раис, раис ўринбосари ва котиб) лавозимларида аёллар 38 фоизни ташкил этмоқда. Илк бор округ комиссиялари раислигига икки аёл тасдиқланди.

Баҳор ХИДИРОВА,  
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

## ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

# ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ, ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ АМАЛДА ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТИ

Каринэ ДЖАВАКОВА,  
Ўзбекистон Республикаси  
ИИВ Академияси кафедра  
бошлиғи, фалсафа  
фанлари доктори,  
профессор

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг амалий ифодаси, биринчи навбатда, миллий вазирадир ва уни ҳал қилиш учун ҳар бир давлат жавобгар бўлиши керак. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг ягона манбаи халқ эканлиги ҳақидаги конституциявий тасдиқ шунчаки сўз эмас, бу тамойил инсон ва жамият манфаати йўлида фаол амалга ошириб келинади.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича жиддий чора-тадбирлар кўриляпти ва яхши натижаларга эришилмоқда. Инсон ҳуқуқлари самарадорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланди. "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги, "Жабранувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Халқаро меҳнат ташкилотининг "Мажбурий меҳнат тўғрисида"ги, "Саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисида"ги конвенцияларни ратификация қилинди. Бу инсон ҳуқуқларини амалда таъминлаш ва мажбурий меҳнатга қарши курашда давлатнинг аниқ позициясини намойиш этади.

Қилинмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалмиш йўлига қатыш ўтган шахсларни афв этиш амалиёти йўлга қўйилди. Утган давр мобайнида Президентимиз фармонлари билан юзлаб ана шундай юртдошимиз ўз оиласи бағрига қайтди.

Манзил-колониялар ҳам халқаро стандартлар асосида босқичма-босқич қисқартирилмоқда. Хусусан, "Жаслик" жазони ўташ колонияси ёпилди.

Қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахсларга пенсия ва ижтимоий сугурта тўлаш тартиби жорий этилди. "Меҳр" инсонпарварлик тадбирлари доирасида қуролли тўқнашувлар ҳудудларида қолиб турган юзлаб юртдошимиз Ватанга олиб келиниб, уларга зарур тиббий ва моддий ёрдам кўрсатилди. Юзлаб ватандошимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди.

Инсон ҳуқуқлари ва уларни таъминлаш, ҳимоя қилиш ҳақида гап кетганда, кўпинча бу тўғридан-тўғри адолат ва ҳавфсизлигини ифодаловчи шахсларга боғлиқ экани айтилади. Шу муносабат билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ишловчи халқ билан яқинлаштиришга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фақат халқ манфаатлари йўлида ҳаракат қилувчи идораларга айланганини таъминлашга қаратилган.

Жабранувчилар, гувоҳлар ва жиноий жараёнинг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тизими яратилди. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятига руҳсат берилиб, соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва чора-тадбирлари белгиланди. Қонун ҳужжатларида тинтув, воқеа жойидан олинган далилларни текшириш, тергов эксперименти каби процессуал ҳаракатларни видео орқали мажбурий ёзиб олиш талаби белгиланган. Шу билан бирга, ушбу амалиёт ҳуқуқларнинг бузилиши ҳавфи мавjud бўлган бошқа ҳолатларга ҳам татбиқ этилади.

Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари зиммасига ҳисба олинган шахсининг оила аъзолари ёки яқинларига унинг ҳисба олинган жойи тўғрисида дарҳол хабар бериш мажбурияти юкланди.

Бундан бунён агар биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахсга нисбатан тайинланган жазо енгилроқ жазо билан алмаштирилса, у колонияга юборилиш ўрнига пробация назорати остида бўлади. Ушбу енгиллик натижасида айни пайтда жазони ўтаётган 6 минг кишига маҳалла назорати остида ўз оиласи билан уйда яшаш имконияти берилди.

Қийноқларнинг олдини олиш соҳасидаги Омбудсман ваколатларини кенгайтириш, шунингдек, бунда жамоатчилик

назоратини кучайтириш муҳим омил ҳисобланади. 2022 йилдан Омбудсманнинг минтақавий вакиллари ўз фаолиятини доимий асосда бошлади. Натижада фуқароларнинг жойлардаги мурожаатлари зудлик билан ўрганилиб, манзил-колонияларга ташрифлар йўлга қўйилди.

Ана шундай ташрифлар биргина 2022 йилда 381 марта ташкил этилди. Бу 2021 йилга нисбатан 2,2 баробар кўп, дегани. Шу билан бирга, 2022 йилда Миллий профилактика механизми доирасида ўтказилган мониторинг ташрифлари домида 6000 дан зиёд фуқаро билан умумий йиғилишлар ва 1657 шахс билан индивидуал суҳбатлар ўтказилди. Бундан ташқари, ўтган йили Омбудсманга ҳисба олинган шахслардан, шунингдек, уларнинг яқин қариндошларини ва ҳимоячиларидан жами 3235 мурожаат келиб тушган. Уларнинг 52,5 фоизи бевосита маҳкумлар ва маҳбуслар томонидан юборилган. Омбудсманнинг сўрови асосида прокуратура томонидан олиб борилган суриштирувлар натижасида жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисида 40 дан зиёд қарор муддатидан олдин қабул қилинган аниқланиб, бекор қилинди.

Виждон эркинлигини таъминлаш, миллатлараро тотувлиқни мустаҳкамлаш, мамлакат ичкарисида ва ташқарисида фуқароларимиз ҳимоясини таққослаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Юртдошларимизнинг виждон ва эътиқод эркинлигига бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

Шу билан бирга, фуқароларимизнинг Ҳаж тадбири ва Умра зиёратини амалга ошириши билан боғлиқ имкониятларни сезиларли даражада кенгайтирди. Чет элда вақтинча ишлаётган фуқаролар ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш мақсадида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича республика комиссияси тузилди. Чет элда вақтинча ишлаётган фуқароларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш тизими жорий этилди. 2021 йилдан бошлаб қонуний муҳожирлар ўзини ўзи банд қилган фуқаролар билан тенглаштирилди. Шунингдек, "Ишга марҳамат"

мономарказлари, маҳаллаларда касб-хунарга ўқитиш марказлари, қисқа муддатли курслар ва кўра-хунарга ўқитиш пунктлари иш бошлади. Шу билан бирга, нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам фуқароларимизни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ишлари давом этмоқда.

Гендер тенглигини таъминлаш мақсадида "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги ҳамда "Хотин-қизларни таълим ва кўра-хунарга ўқитиш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодий, банк-молия сектори, таълим тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа соҳаларда раҳбар лавозимларга аёллар тайинланмоқда. Биргина сиёсий партияларда аёллар улushi 44 фоиз, олий таълимда 40 фоиз, тадбиркорликда 35 фоизга етди. Хотин-қизлар ахборот-коммуникация, инновация, энергетика ва муҳандислик соҳаларида фаол иштирок этмоқда. Вазирлик ва идораларда илгор, билимли, бошқарув салоҳиятига эга аёллардан иборат 81 мингдан ортиқ кадрлар захираси шакллантирилди.

Бир сўз билан айтганда, бу борадаги ишлар давомли ва узвий бўлади. Негаки, янги таҳрирдаги Конституциямизда инсон ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати, хотин-қизлар ва меҳнат мигрантларини ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш алоҳида нормалар билан мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Фикримизга 1 юб аввалида берилган "Ўзбекистон — борақарор республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат" эканида ҳам ишонч ҳосил қилдимиз. Бониси, айнан ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат тушунчаси ва унинг замирида ётган катта инсонпарварлик ғояси мамлакатда фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жамиятда инсон қадрини юксалтириш имконини беради.

Умуман олганда, Ўзбекистон халқининг ҳуқуқ ва эркинликларини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаш, ҳар бир шахсининг қонуний манфаатларини таъминлаш мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.





## ИСЛОХОТ ОДИМЛАРИ

НОМИ КИЧИК,  
САМАРАСИ КАТТАФеруза ЖҮРАЕВА,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Мамлакатимизда сўнги йилларда кичик саноат зоналарини ташкил этиш тенденцияси ўсиб бормоқда. Соҳани қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар боис, илгари саноат умуман бўлмаган 11 туманда 205 та янги корхона иш бошлаганининг ўзиёқ самарадорлик салмоғидан дарак беради. 2017-2022 йиллар давомида 19 та эркин иқтисодий ва 400 дан зиёд кичик саноат зоналари ташкил этилиб, уларда мингдан ортиқ лойиҳа амалга оширилгани эса бу борадаги сай-ҳаракатларнинг қай даражада самарали ва муҳим эканини аниқлатади.

Айтиш жоизки, кичик саноат зоналари жойлардаги бўш турган, фойдаланилмаётган бино-иншоотлар ёки ер участкалари негизда давлат ва хусусий сектор ўртасидаги шериклик асосида барпо этилади. Ташкил этилаётган бундай зоналарга бозор тўйинмаган экспортбон, импорт ўрнини босувчи истиқболли лойиҳаларни жойлаштириш биринчи галдаги вазифа саналади.

Косибликдан йирик  
тадбиркорликка

Кичик бизнес бўйича мамлакатимизда энг юқори ўринларда турувчи Наманган вилоятида 2017-2022 йилларда саноат корхоналари 15 мингтага кўпайиб, 32 мингдан ошди. Шу даврда хусусий бизнес ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳажми 1,6 баробар ўсиб, 8,3 триллион сўмга етди. Ташкил этилган 73 технопарк ва кичик саноат зоналарида 778 лойиҳа жойлашган бўлиб, уларда 26 мингта яқин иш ўрни яратилган.

Худуд иқтисодиёти қанчалки оқсалса, ўша жойда яшовчи одамлар ҳам шунчалки бой бўлиб бораверади. Ҳисоб-китобларга кўра, 2022 йилда худуд экспорт салоҳиятининг катта улуши — 90 фоизи айнан саноат тармоқлари ҳиссасига тўғри келди.

Наманган шаҳридаги Баркамол авлод маҳалласи азалдан ишбилармонлиги, ҳунармандлиги билан машҳур. Аммо маҳаллий тадбиркорлар уй шароитида ишлаб, ишлаб чиқариш имкониятлари эса чекланган эди. Маҳалла ёнидаги 10

гектарда зарур инфратузилмага эга яхлит мажмуа — "Баркамол авлод" кичик саноат зонаси ташкил этилиши тадбиркорларнинг бу борадаги муаммоларига муносиб ечим бўлди.

Саноат зонасида ташаббускорлар ўз маҳсулотларини ички бозорга етказиб бериш билан бир қаторда, экспортга ҳам йўналтирипти. Айтиш жоизки, мазкур кичик саноат зонасидаги бизнес субъектларининг янги авлоди янги руҳ, янги чашма билан иш олиб бормоқда.

Тайёр кийим-кечак, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари, мебель, қоғоз, озиқ-овқат ва кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган худудда умумий қиймати 985,1 миллиард сўмлик 50 га яқин самарали лойиҳалар амалга оширилмоқда. Аҳамиятли томони, ён-атрофдаги 6 маҳаллада яшовчи 6 мингдан зиёд аҳоли иш билан таъминланган.

Худудда жойлашган "Баланс текс" корхонасида ҳам аввал ишсиз бўлган ёшлар, хотин-қизлар меҳнат қилиб, даромад топлмоқда. Корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар сифатли ва ҳамёнбоп, шу боис, импорт ўрнини тез эгаллапти.

— Рўзгор камини тўлдириш учун доимий меҳнат қилишингиз, даромад топишингиз керак. Тикувчиликка қизиқаман. Уйда буюртма олиб ишлардим. Лекин бу тайинли даромад эмас. Чунки баъзида буюртмачи келади, баъзида йўқ. Шунинг учун доимий иш билан банд бўлишни, барча мавсумда даромад топишни истардим. Маҳалламизда кичик саноат зонаси иш бошлагандан сўнг мана шу истагим амалга ошди. Ойлигим яхши. Қолаверса, замонавий, барча шароитлари мавжуд корхонада ишлаш кишига ўзгача завқ берар экан, — дейди "Баланс текс" корхонаси тикувчиси Моҳира Шокирова.

Мазкур худудда тадбиркорлик фаолиятини бошлаганларнинг ақсарияти ёшлар. Уларнинг тадбиркорликка оид ташаббуслари, стартап лойиҳалари ва амалий тадқиқотлари натижалари рўёбга чиқишида кичик саноат зонаси ўзига хос майдон вазифасини ўтамоқда.

Йилга 34,6 миллиард сўмлик 150 минг донга чарм-пойабзал ишлаб чиқариш қувватига эга "Мастер класс дизайн" корхонаси ҳам мазкур кичик саноат зонасида фаолият юрताди. Корхонада 200 нафар ходим ишляпти.

— Авваллари ижара асосида фаолият юритар эдик, — дейди корхона раҳбари Адҳам Ҳабибуллаев. — Бугун

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир туманга, айниқса, юртимизнинг чекка худудларига инвестиция кириб бориши, саноат корхоналари барпо этилиши муҳим жиҳатлардан бири саналади. Бу борада эса олис худудларда кичик саноат зоналари ташкил этилиб, янгидан-янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга тушириляётгани, аввало, ўша худудда яшовчи аҳолининг муқим ва даромадли иш билан бандлигини таъминлаш орқали турмуш шароитини яхшилаш, туманнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, бунга мультимедиа равишда таълим, тиббиёт, хизмат кўрсатиш каби соҳалар ривожига сабаб бўлмоқда.

хият талаб қилади. Биргина инвесторлар билан ишлаш жараёнини олайлик. Уларни соҳага жалб қилиш учун ҳам махсус



эса замонавий бинога эгамиз. Пойабзал таъмирлашга қизиқиш билан бошлаган ишим катта бизнесга айланиб кетади, деб ўйламаган эдим. Агар имкониятлардан ўринли фойдалана оلسак, истаган соҳамизда катта натижаларга эришиш мумкин экан. Инновацион технологиялар асосида эркаклар пойабзални ишлаб чиқариб, экспортга ҳам йўналтиришимиз. Ишлаб чиқариш дастгоҳларини Туркия ва Хитойдан олиб келдик. Чарм-пойабзал соҳаси бугун сармоа киритиш учун энг истиқболли соҳага айланди. Яратилган имкониятлар бу йўналишни мамлакатдаги етакчи тармоқлардан бирига айлантириш учун асос бўлаётди.

Саноат зоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, преференциялар бериш тадбиркорликни жадал ривожлантириш, худудлар иқтисодиётини юқори босқичга кўтариш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим омилга айланмоқда.

— Соҳа ривожини учун имкониятлар етарли, — дейди Наманган шаҳар ҳокимлигининг инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи Улугбек Отахонов. — Шунга монанд бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳам катта билан ва сало-

қунокма керак. Маҳсулотни жаҳон бозорларига олиб чиқиш муҳим мезонлардан бири. Тадбиркорлик асосида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш вазифаси турса, саноат зоналарида бу талаб анчайин кенгайди, яъни мана шу мезонга экспортни йўлга қўйиш вазифаси ҳам ёндош туради. Кичик саноат зоналари — тадбиркорларнинг лойиҳаларини рўёбга чиқаришда муҳим восита. Маълумот ўрнида айтиш жоиз, ривожланган давлатларда кичик ва ўрта тадбиркорлиқни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, саноатни технологик ривожланиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг муҳим механизмларидан бири саноат зоналари ҳисобланади.

Сўнги йилларда мамлакатимизда ушбу йўналишни қўллаб-қувватлашга давлат сисёти даражасида эътибор қаратилиб, саноат зоналарининг инфратузилмасига 10 триллион сўм йўналтирилди. Шунингдек, 3 миллиард долларлик молиявий ресурслар ажратилиши натижасида эса тўқимачилик, кимё, қурилиш материаллари, чарм, фармацевтика, электр техникаси каби тармоқлар "драйвер"га айланди.

Саноати паст туманларда  
ишлаб чиқариш  
сезиларли ошган

Айтиш жоизки, янги ўсиш нукталарини аниқлаш ва шакллантиришда ҳам саноат зоналарининг ўрни катта. Чунки айнан бундай махсус худудлар ҳисобида саноат кўрсаткичлари аҳоли жон бошига нисбатан энг паст бўлган, иқтисодиётининг асосини қўшқоқ ҳўжалиги ташкил этадиган худудларга бугун саноат жадал кириб бормоқда. Ана шундай худудлардан бири — Қашқадарёга сўнги беш йилда 10 миллиард доллар инвестиция жалб қилинган. Натижада тадбиркорлик субъектлари сони 2,5 баробар кўпайиб, қўшимча 325 мингта доимий иш ўрни яратилган. Илгари саноати паст бўлган 8 туманда ишлаб чиқариш ҳажми 2-3 баробар ошиб, вилоятдаги улуши 36 фоизга етган.

Қарши шаҳридаги "Буюк Турон" кичик саноат зонаси шаҳарнинг саноат кўрсаткичларини оширишда муҳим омил бўлаётган худудлардан бири. 10 гектардан зиёд бўлган мажмуага дастлаб 10 та лот жойлаштирилиб, умумий қиймати 71,3 миллиардлик 4 лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. 2022 йилда саноат зонасининг экспорт салоҳияти 2,4 миллион долларни ташкил қилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 6 миллион долларга етказиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 24 февраль кўни Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида мазкур саноат зонасида ҳам бўлиб, у ерда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Ҳозирча 2 лойиҳа амалга оширилаётган мажмуада 500 дан ортиқ иш ўринлари яратилган.

— "Буюк Турон" кичик саноат зонасида Утган йили фаолият бошлаган корхонамиз йилга 120 минг донга телевизор ва монитор ишлаб чиқариш қувватига эга, — дейди "Алп Техно Сервис" масъулият чекланган жамияти раҳбари Шухрат Муратов. — JVC, TCL, Zimmet брендлари остида ташқи бозорга чиқариладиган маҳсулотларимизни Россия, Хитой, Туркия, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон каби мамлакатларга экспорт қиламиз. Ҳар бир соҳа ёки тармоқ ривожини бозор талаби, истеъмолчи эҳтиёжи белгилашни ҳисобга оلسак, электротехника саноатини энг зарур ва тез ривожланиётган соҳалар қаторига қўйиш мумкин. Бундай воситалар ҳаётимизга жадаллик билан кириб келди. Биз ҳар кўни фойдаланадиган маъиший техникалар, йирик саноат ишланмаларига бўлган талаб соат сайин ўсиб бормоқда.

Таъкидлаш жоиз, мана шу талабнинг маҳаллий маҳсулотлар ҳисобига қопланиши тадбиркор ва аҳоли учун катор қўлайликлар яратади. Саноат модернизацияси электротехника тармоғининг ўзгариши, замон талабларига мослашишга туртки бўлди. Охириги беш йилда юртимиз электротехника саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 4,5 баробар ўсгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бу эса, ўз навбатида, бозорларимизни сифатли ва арзон миллий маҳсулотлар билан тўйинтиришга имкон яратади.

"Китоб ип йигирув" МЧЖ — кичик саноат зонасида самарали фаолият юритаётган яна бир корхона. Йилга 5 миллиард донга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган жамият экспорт географияси Россия, Хитой, Туркия давлатларини қамраб олган.

— 2024 йилда ишлаб чиқариш қувватини 12 миллиард сўмга етказишни режа қилганимиз, — дейди корхона раҳбари Бекзод Орипов. — Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Давлатимиз раҳбари Қашқадарёга ташрифи чоғида "Ҳар бир туманда салоҳиятни лойиҳага, лойиҳани иш ўринларига айлантириш керак", деб таъкидлади. Кичик саноат зоналарида тадбиркорларга яратилган қўшимча қўлайлик ва имкониятлардан фойдаланиб, худуд салоҳиятини катта лойиҳаларга айлантиришда ҳисса қўшсак, албатта, хурсанд бўламиз. Агар биз худуд ёки ҳар бир маҳалла кесимида "Ўсиш нукталари" дан келиб чиққан ҳолда лойиҳаларни амалга оширсак, самарадорлик ҳам шунга яраша юқори бўлади.

Инвестиция учун  
қўшимча манба

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йил 10 январь кўни саноатни ривожлантириш ҳамда қўшимча захираларни аниқлаш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида саноат учун янги имкониятлар ва молиявий ресурслар берилиши таъкидланди. Эндиликда банк нормативлари қайта кўриб чиқилиб, тижорат банкларида корхоналарга кредит ажратиш учун қўшимча 55 триллион сўм ресурслар таъминланади. Таҳлилларга кўра, бу — битта туманда ўртача 20 миллион долларлик инвестицияга қўшимча манба, дегани. Мана шу манба йирик лойиҳаларни амалга ошириш, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишда қўлай замин яратади.

Шунингдек, жорий йилдан бошлаб иқтисодий ривожланиши орқанда бўлган тўртинчи ва бешинчи тоифадаги 60 туманга 27 турдаги солиқ имтиёзи, субсидия ва преференциялар берилади. Бу эса, ўз навбатида, худудларнинг саноат кўрсаткичлари юқорилашида қўлай имконият саналади. Гиламчилик, ўй текстили, чарм ва заргарлик тармоқлари учун ҳам қатор энгилликлар тақдим этилган бўлиб, унга кўра, 2023 йилда тўқимачилик лойиҳаларига қўшимча 300 миллион доллар йўналтирилади. Чарм-пойабзал саноатида эса 200 дан ортиқ турдаги импорт ҳомаёи бўйича божхона имтиёзлари уч йилга узайтирилади.

Мана шу каби имкониятлар юртимиз ҳар бир худуднинг саноат кўрсаткичлари юқори бўлиши ҳамда тадбиркорларнинг лойиҳаларини амалга оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Зеро, ишбилармон доира вакиллари учун қўлай муҳит саналган ҳозирги ислохотлар тадбиркорларни ҳар соҳада янги лойиҳаларни амалга ошириб, мамлакатимиз иқтисодиёти, халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишга ундайди. Бу борада катта рағбат ҳам бўлади.

## МУНОСАБАТ

СУРХОНДАРЁДА ЮКСАК  
РИВОЖЛАНИШ, ЎСИШ БЎЛАДИНаргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,  
Республика Маънавият ва маърифат маркази  
Сурхондарё вилояти бўлими раҳбари

Президентимизнинг шу йил 13 март кўни Сурхондарёга ташрифи вилоят иқтисодиётини жадал ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилингани билан воҳа аҳли учун тарихий аҳамиятга эга кун бўлди. Ташриф чоғида давлатимиз раҳбари аҳоли ҳаёти, улкан бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш баробарида қатор йирик ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишга ҳам старт бердики, бу барчамизни қувонтирди.

Давлатимиз раҳбари вилоят фаоллари, депутатлар билан учрашувдаги нутқида сурхондарёликларга чўқур ҳурматини билдириб, воҳа аҳли турли соҳа ва тармоқларда улкан натижаларга эришяётганини алоҳида таъкидлади. Худуд ривожининг бугунги ҳолатига тўхталиб, "Агар яна бир-икки йил қаттиқ ишлаб, халқимизга астойдил хизмат қилсак, Сурхондарёда жуда катта ривожланиш, ўсиш бўлади", деди.

Шунингдек, Президентимиз аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш энг асосий вазифа эканини қайд этиб, бу борада маҳаллаларга

оилавий тадбиркорлиқни олиб кириш ва касаначилик масаласига тўхтади.

Тан олиш керак, бугун вилоятдаги барча маҳаллаларда тадбиркорлик фаолияти бирдек яхши йўлга қўйилмаган. Шу боис, давлатимиз раҳбари тадбиркорлик ривожини суст бўлган 43 маҳаллада микромарказлар ташкил этилишини айтиди. Энди мазкур марказларда маҳаллаларни ривожлантиришга доир ишлаб чиқилган турли лойиҳаларга 80 миллиард сўм имтиёзли кредит йўналтирилади. 1 июлга қадар иқтисодий ҳолати оғир 118 маҳаллада касаначилик лойиҳалари амалга



оширилиб, 10 минг кишининг бандлиги таъминланади. Бу каби сай-ҳаракатлар минглаб оилаларга муқим даромад олиб кириши, демакки, уларнинг тинчлиги ва хотиржамлиги, фаровонлигини таъминлашда муҳим ўрин туттиши билан аҳамиятлидир.

Жорий йил вилоятимиз бўйича 50 минг ёш меҳнат бозорига кириб келиши

кутилмоқда. Давлатимиз раҳбари уларни билимли, касб-хунарни қилиб воёга етказиш муҳимлигини таъкидлади. Айни шу мақсадда ёшларнинг 14 минг нафарига 350 миллиард сўм кредит берилиши, 16 минг нафарига деҳқончилик учун ер ажратилиши ҳамда 10 минг нафари учун бўш иш ўринлари яратилиши белгиланди.

Кувонарлиси, ёрдамга муҳтож 18 мингдан зиёд аёл касб-хунарга ўқитилиб, уларнинг меҳнат қуроллари учун 15 миллиард сўм ажратилган бўлди. Субсидия ажратиш орқали 3 минг хотин-қиз банд қилинади. Шунингдек, тадбиркор бўлиш истагидида 10 минг аёл 200 миллиард сўм кредит ресурслари билан таъминланади, 5 минг нафари уй шароитида касаначиликка жалб қилинади.

Сурхондарёнинг иқлими деҳқончилик учун жуда қўлай. Шу боис, вилоятимизда бир йилда ердан 3 марта ҳосил олиш имконияти мавжуд. Айни жиҳат аҳоли даромадларини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари воҳанинг мана шу табиий шароити ва мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, вилоятда деҳқонларга шароит яратиш, сув таъминотини яхшилаш орқали озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини 2 баравар ошириш ҳамда экспортини 250 миллион долларга етказиш вазифасини қўйди.

Албатта, вилоятимизда нафақат ушбу кўрсаткичларга эришиш, балки озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва уларни экспорт қилиш ҳажмини ундан ҳам ошириш имкони мавжуд. Зеро, биринчи навбатда, сурхон аҳли меҳнаткаш, деҳқончиликнинг ҳадисини олган. Сув, техника ва мабағ билан боғлиқ муаммоларга эса ечим топилоқда. Демак, сурхондарёлик миришкорлар бор салоҳиятини ишга соладиган пайт келди.

Вилоятимизда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар, жумладан, конлар кўп. Уларни ўзлаштириш эса бошқа соҳалар ривожига кенг йўл очади. Шу мақсадда жорий йил вилоятда 292 саноат лойиҳаси ишга туширилиши белгиланган. Ушбу лойиҳалар 10 минг янги иш ўрни яратиш имконини беради. Шунингдек, саноатда импортни 50 миллион

долларга қисқартириб, экспортни камида 250 миллион долларга етказишда муҳим тиргак бўлади.

Йиғилишда энергетика соҳасини ривожлантириш, хусусан, муқобил энергиядан фойдаланишни кенгайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, "яшил" энергия, биринчидан, замон талаби бўлса, иккинчидан, Сурхондарё бу борада яхшигина табиий имкониятларга эга.

Жумладан, янги қувватлар — Сарийосиё туманидаги Тўпаланг гидроэлектр станцияси ҳамда янги 3 та кичик ва микро ГЭСда шу йилнинг ўзида 350 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Шеробод туманида эса 457 мегаватт қувватли йирик қуёш электр станцияси ишга туширилади. Буларнинг барчаси, шунингдек, кичик қувватли қуёш панеллари ўрнатилиши вилоятда энергетика барқарорлигини таъминлаш, энг асосийси, электр энергияси ишлаб чиқаришда харажатлар камайишига хизмат қилади. Бу эса воҳа иқтисодиёти ривожига муҳим ўрин тутди.

Умуман олганда, Сурхондарёда ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга жорий йил учун мўлжалланган давлат дастурларида кўзда тутилган 1,5 триллион сўмга қўшимча 465 миллиард сўм ажратилиши белгиланди. Шунингдек, аграр соҳа, ичимлик сув ва тадбиркорлик лойиҳаларига қўшимча 328 миллион доллар жалб қилинадиган бўлди. Ҳеч шубҳасиз, бу сай-ҳаракатлар "жуда катта ривожланиш, ўсиш бўлади", деган фикрнинг амалий ифодасини, Сурхондарёни камбағаллик ва ишсизликдан холи худудга айлантиришни қароқотлади. Бу эса барчамизни бирдек руҳлантиради, олдимизга қўйган вазифаларни сидқидилдан бажаришга ундайди.

НУҚТАИ НАЗАР

# АСРИЙ ОРЗУЛАР РЎЎБИ

“Янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий орзу-интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир”.

саломатлиги билан боғлиқ ҳуқуқлари етарлича таъминланмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда жамиятда онг ва тафаккурни, фикрлашни ҳам янгилаш нега муҳим? Чунки бугун давр жуда шиддат билан ўзгаришга юз бўрган. Бундай қизгин ва таҳликали паллада жамиятнинг барча қатлами фаол фуқаролик позициясини намоён этиши жуда муҳим. Ўшунинг учун улар тарбиялаётган ёш авлод ҳам

мутелик, кўрқув ва ҳадик синдромлари тўла маънодаги фуқаролик масъулиятини англашимизга монелик қилмоқда. Телса тебранмаслик, “олма пиш, оғзимга туш” қабиллида яшаш, боқимандалик сингари иллатлар жисму жонимизда ҳамон яшармоқда. Шундай тоифадаги кишиларнинг фикрлаши, яшаш тарзи ва жамиятга муносабати ёшлар тарбиясида ҳам акс этмоқда.

“Инсон тараққий этмаса, жамият тараққий этмайди”, дейди давлатимиз раҳбари. Одамнинг



**Нодир ЮСУПОВ, Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқаруви ҳамда педагог кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти директори ўринбосари**

Давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асари муқаддимасида келтирилган мазкур фикрлар Янги Ўзбекистонни барпо этиш муайян шахнинг хоҳиш-иродаси, истаги эмас, жамият аъзоларининг эртанги кунига, тараққиётига боғлиқ бўлган, келажакни белгилаб берадиган ислохотларнинг дебочаси эканини тасдиқлайди. Шу ўринда савол туғилиши табиий: хўш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш мезони нима билан ўлчанайди? Бундай жамиятни қуриш учун қандай ҳаракат қилиши керак?

Бугун баъзи юртдошларимизда Янги Ўзбекистон тушунчасини янгича бошқарув ислохотларининг ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши, янги замонавий меъморлик қиёфа ва иншоотларнинг қурилиши билан боғлаш ҳолати йўқ эмас. Бироқ биз белгиланган марра жамиятдаги барча соҳаларни тубдан янгилаш, саъй-ҳаракатларимизни мутлақо янги ўзанда бошлаш кераклигини тақозо этади. Янги Ўзбекистонни барпо этиш эканмиз, аввало, шу юрtdа яшайётган ҳар бир фуқаронинг онги, дунёқараши ҳамда жамиятимиздаги ислохотларга муносабати ҳам ўзгариши зарур. Бундай мақомга эришиш учун фуқаро сифатида ҳар биримиздан ўзимизни англаш талаб этилади.

Мамлакат тараққиёти бир босқичдан иккинчи босқичга ўтар экан, жамият аъзоларининг ислохотларга ишончи муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу ҳар бир жамиятнинг ривожланишига хос бўлган хусусиятдир. Олдига қўйилган мақсадларнинг қўлами ўша жамиятдаги шахслар фаолиятига, ҳаракатига боғлиқ жараён. Шу боис, унга яхлит организм сифатида қараш мавжуд. Инсон муайян мақсадга эришмоғи учун барча органи, жисми бирлашиб ҳаракат қилиши керак. Бугун жамият аъзоларининг яшаш тарзи,



шундай шаклланиши табиий. Ўғил-қизларга фаол фуқаролик позициясини намуна қилиб кўрсатиб, амалиётда қўлламас эканмиз, улар кейинги авлодни ҳам шу зайдда тарбиялайди ва бу жараён шундай давом этади. Бундай ҳолатда биз кутган жамиятни қуришнинг имкони бўлмайди.

Мамлакатда онг ва тафаккур янгилишини ордидан инсоннинг инсонга, жамиятга ва давлатга муносабати ўзгаради. Таълим-тарбияга, эртанги тараққиётга ижобий муносабатда ёндашадиган қатлам шаклланади.

Онг ва тафаккурни янгилаш, ҳар бир жараённи таҳлил қилиш, эътибор ва дахлдорлик ҳисси билан яшаш, нуқсонларимизни қамайтириб, фазилатларимизни кўпайтириш, маънавий ва руҳий тазаланши каби мураккаб жараёнларга ҳар биримиз тайёрланишимиз зарур. Инсоннинг узлуқсиз равишда ўзини ўзи назорат қилиши, бошқариши, йўналтириши, даъваткорлик ва ташаббускорлик туйғуларини жонлантириши улкан маънавий-маърифий, ахлоқий иродага боғлиқ. Айниқса, кўпчилигимизнинг қон-қонимизга сингиб кетган, вужудимиз, қалбимиз ва руҳиятимиздан мустаҳкам ўрин олган бефарқлик, лоқайдлик каби иллатлардан ҳали-ҳануз қутулганимиз йўқ. Тобелик,

онги ва тафаккури ўзгариши ва равақ топиши узок давом этадиган тарихий жараён бўлиб, унда кишиларнинг эришган моддий ва маданий мероси ўз аксини топади. Тарихий тараққиёт жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий, ғоявий-мафкуравий ривожланиши билан узвий боғлиқ ҳолда юз беради.


Агар бефарқлик, лоқайдлик, боқимандалик иллатлари жамият ҳаёти билан боғлиқ бўлса, яна ҳам хатарли мазмун касб этади. Зотан, лоқайдлар, бефарқлар ва боқимандалар тараққиёт душмандидир. Бундай одамлар жамиятда содир бўлаётган ўзгаришлар ва ислохотларга эътиборсиз бўлади. Ўз ташвиши билан яшайдиган, эгоизм қон-қонига сингиб кетган кишилар билан, табиийки, янги жамият қуриб бўлмайди.

Юртдошларимиз онги ва тафаккурида ҳам янгилишлар кечаётгани шубҳасиз. Бу ислохотларни қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқаришда ижобий натижа беради. Зеро, янгилишни суръати фақат янги инфратузилма, иншоот, ислохотлар билан белгиланмайди. Аксинча, Янги Ўзбекистон фуқаролар онги ва тафаккурининг ҳам янгилиши маҳсулидир.

ТАРАДДУД

# НАВБАҲОРДА БАНАН КЎЧАТИ ҲОСИЛГА КИРДИ

Баҳор келиши билан кишлоқларда ҳаёт қайнамоқда. Ҳамма томорқа юмушлари билан банд. Яратилаётган имкониятлар натижасида томорқа маданияти замонавийлашиб, ердан фойдаланишда инновацион усуллар татбиқ этилмоқда. Президентимизнинг 2020 йил 30 июндаги қарори асосида хонадонлардаги бўш ер майдонларидан самарали фойдаланиб, унинг аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, бандлик ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги улуши ортиб бормоқда.



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!

Бундай имконият навбахорлик юртдошларимиз учун аниқ мудоао бўлаётганини томорқачи Фарҳод Очиллов фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Навойи вилоятининг Навбахор туманида оддий оиланинг мўъжазгина томорқасидаги ҳар бир банан дарахтидан 30-35 килограммгача ҳосил олинмоқда. Бундан икки-уч йил аввал қизиқиши сабаб томорқачининг икки сотиҳида иккита иччам иссиқхона ташкил этиб, цитрус мева етиштиришни бошлаган ҳамюртимиз бугун ёш тадбиркор сифатида элга танилди. Юртимизда томорқачи цитрус мевалар етиштириш мураккаб таассурот уйғотди. Аммо Фарҳод Очиллов ана шундай қийинчиликларни енгиб, амалда бунинг имкони борлигини исботлади.

Тадбиркорлик фаолиятига сабаб бўлибгина қолмай, чинакам даромад манбаига айланди. Энди нафақат цитрус мева, балки кўчат етиштириш ҳам йўлга қўйган Фарҳод Очиллов инсон кўзлаган мақсадига эришиши учун тинимсиз меҳнат қилиши, доимо изланишида бўлиши лозимлигини ўз амали билан кўрсатиб келмоқда.

Ҳаракат ва изланиш натижасидан руҳланган тадбиркор цитрус экинлар орасида шифобахшлиги билан ажралиб турадиган папайя, яъни қовун дарахти номи билан машҳур ўсимлиқни ҳам етиштиришга киришди. Натижа кўтилганидан ҳам аъло бўлди. Бундан икки йил аввал экилган папайя кўчати қисқа фурсатда қўрқам дарахтга айланган, мўл ҳосил бера бошлади.

Тадбиркорликдан келаётган даромад унинг кучига куч, гайратига гайрат қўшмоқда. У цитрус мевалар етиштириши мақсад қилиб келаётган ёшларга кўчат билан бирга бепул маслаҳатлар ҳам бermoқда.

Мўъжазгина томорқачдан самарали фойдаланиб, йил давомида бир неча марта ҳосил олаётган оилаларнинг дастурхони доимо тўкин, турмуши фаровон бўлади, албатта. Ана шундай миришкор оилаларда

томорқачининг ҳар қаричи ҳисобда. Ахир, бугунги кунда томорқа нафақат хонадон аъзоларининг эҳтиёжларини таъминламоқда, балки қўшимча даромад манбаига айланди. Навбахор туманининг Навқар маҳалласида ҳам томорқачдан самарали фойдаланиш борасидаги тажрибалар тадбиркорлик йўналишидаги янги ташаббусларга қанот бағишламоқда.

Ана шундай ҳамюртларимиздан бири Икром Расулов иссиқхоначилик ва биоғумус тайёрлашни йўлга қўйди ва бу орқали оила аъзоларининг ҳам бандлиги таъминланди.

— Дастлаб томорқачда иссиқхона қурдим ва турли кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб, даромад қўра бошладим. Шундан сўнг ҳоким ёрдამчиси кўмаги билан кредит олиб, иссиқхонани кенгайтirdим. Помидор ва бодринг экиб, даромадимиз орқали фарзандларимни ўқитялман. Ерга меҳр бериб ишласа, ҳеч ким кам бўлмайди. Бир йилда уч мартагача ҳосил олиш имкони бор. Фақат кишида иштиёқ ва шижоат бўлиши керак. — дейди Икром Расулов.

Туманининг Юқори Бешрабат маҳалласи аҳли ҳам томорқачдан самарали фойдаланиш борасида намунали худудлардан. Ўз томорқачининг икки сотиҳида иссиқхона ташкил қилиб, турли кўчат ва полиз маҳсулотлари етиштираётган Отамурод Худойбердиев шундай тадбиркорлардан. Шунингдек, у 100 тупга яқин турли узум навларини маҳсул ишқомларда водийча усулда парваришлаб келмоқда. Узум кўчатлари остига эртанги картошка эккан омилкор томорқачининг бир четиди балиқчиликни ҳам йўлга қўйган. Асли касби ўқитувчи бўлган ҳамюртларимизнинг ерга меҳри сабаб оиланинг томорқачдан келадиган даромади ҳам қилаётган меҳнатига яраша салмоқли.

Айни вақtdа тумандаги 41 та маҳалладаги 22 минг 749 та хонадонда 2 599 гектар томорқа ери мавжуд бўлиб, уларда 3500 дан ортиқ иссиқхона хўжалиги фаолият кўрсатиб келмоқда. Жорий йилда аҳоли хонадонларига вилоят Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши кўмагида яна 1375 та иччам иссиқхона қуриш кўзда тутилган бўлиб, бу, ўз навбатида, томорқачдан йилгича икки-уч мартаба ҳосил олиш имкони беради.

Бугун юртимизда ҳар бир оиланинг мўъжазгина томорқачидан самарали фойдаланиб, табиий ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга интилиши кўчайиб бораётгани томорқа хўжалигининг қўшимча даромад манбаига айланишига хизмат қилмоқда. Пировардида, кишлоқларда оилавий тадбиркорлик янада ривожланиб, аҳоли турмуш фаровонлигида муҳим омил бўлмоқда.

**Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири**



ТАЪЛИМ

# IT ТУРМУШ ТАРЗИМИЗ ВА ДУНЁҚАРАШИМИЗНИ ЎЗГАРТИРАДИ



**Фаррух МУХТОРОВ, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ Фарғона филиали директори**

Президентимиз раислигида жорий йилнинг 22 февраль кунини иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштиришга бағишланган видеоселектор йиғилишида соҳада амалга оширилган ишлар етарли эмаслиги, тармокнинг янада ривожлантириш учун камида 100 минг нафар малакали дастурчи, IT-архитектор, оператор ва муҳандис зарур эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ахборот технологиялари соҳасига мутахассислар тайёрловчи олий ўқув юрти раҳбари сифатида ушбу йиғилишдаги ҳар бир фикрни диққат билан тинглаб, жамоамиз билан олдимизда турган муҳим вазифалар юзасидан аниқ чора-тадбирларни белгилаб олди.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалида 3298 талаба замон талаблари асосида таҳсил олмақда. Бу ерда ахборот-коммуникация технологиялари ва замонавий воситалардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш учун барча шароитлар яратилган.

Президентимизнинг 2022 йил 6 июлдаги “2022–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стра-

тегияси асосида “Э-Драйвер” номи лойиҳа-миз қиймати 183 миллион сўмга баҳоланган ва у яхши самара бериши кутиляпти.

Ахборот таълим технологиялари кафедраси мудири И.Билолов бошчилик қилаётган “Таълим муассасаларидаги талабалар турар жойига маъсуфадан ариза топириш ва банд қилиш” мавзусидаги лойиҳамиз аниқ кунларда янада такомиллаштирилмоқда.

Бундан ташқари, илмий-техникавий, инновацион фаолиятни амалга ошириш ва ривожланишни таъминлашга қўлай шарт-шароитларни яратиб, ихтиро, фойдали модель учун патентлар муаллифларини рағбатлантириш бўйича ижобий ишлар йўлга қўйилган. Шу кунгача 6 та ихтирога халқаро ва 128 дастурий маҳсулот учун муаллифлик гувоҳномалари олишга эришилди.

Давлатимиз раҳбарининг видеоселектор йиғилишида берган топшириқларига ҳамоханг равишда филиалимизда ҳам IT соҳаси ва дастурчилик бўйича амалий ишларни янада кучайтирганмиз.

Фарғона вилояти IT парк раҳбари, техника фанлари бўйича фалсафа доктори Баҳромжон Жалилов ҳамда IT парк резиденти Муҳаммадали Шамсиддиниш иштирокида талабалар билан мунтазам учрашувлар ташкил этиб келинапти. Улар томонидан талабаларга IT дастурчилик ва график дизайнлик, SMM маркетинг соҳасида эришилаётган ютуқлар, янгиликлар ҳақида маълумотлар бериб бориляпти. Шунингдек, “Али дизайн” ўқув марказида график дизайн ва IT дастурчилик соҳаси бўйича 10 нафар талаба бепул ўқиши учун “директор гранти”ни жорий қилиб, улар бу соҳани мукамал ўрганишлари бўйича қўшимча имконият яратиб берди.

Иқтидорли талабаларимиз вилоят, республика ва халқаро миқёсда ўтказиб келинаётган турли кўрик-танловларда ўзларининг илмий-тадқиқот ишланмалари, лойиҳалари билан фаол қатнашиб, соврин ва сертификатларга эга бўлмоқда.

Олдимизда турган муҳим масалалар ечимлари юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олганмиз. Қабул қилган қарорларнинг ортисини ҳисобга олиб, янги ўқув биносини қуриш, замонавий ўқув ва илмий лабораториялар ташкил этиш режалаштирилган.

АКТ соҳасида кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган талабалар учун хафталик ўқув машғулотлари “4+2” тартибда, яъни дарсларнинг 4 кунини олий таълим муассасасида, 2 кунини қорхоналарда амалиёт ўташ тартибидини жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Мураккаб жараёнларни моделлаштириш мақсадида юқори тезлик ва катта хотирага эга супер компьютер бўйича илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш ҳамда соҳада эришилган илмий-инновацион натижаларни амалиётга татбиқ этиш ҳамда уларни тижоратлаштиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ имтиёзларига эга “Спин-Офф” қорхонасини, талабаларга барча йўналишлар бўйича хизмат кўрсатувчи “Студент офис” марказини ташкил этиш ниятимиз бор.

Сирасини айтганда, видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ва мақсадлар ҳар бир раҳбар, педагог-ҳодим учун бирдек масъулият юклайди, изланиш, интилишга ундайди.



МУЛОҲАЗА

# Журналистика

## ДАСТУРИНИ ҲАЁТНИНГ ЎЗИ ТУЗАДИ



**Аҳмадҷон МЕЛИБОВЕВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, ЎЗМУ доценти

Бундан роса олтмиш йил аввал туман газетасида чиққан биринчи мақоламини яхши эслайман. Баҳорги дала ишлари ҳақида эди. Юқори синф ўқувчиларига тез-тез иншо, баён ёздирадиган талабчан адабиёт ўқитувчимиз мақоламини ўқиб, “Сендан журналист чиқиши мумкин, ammo бунинг учун жуда кўп китоб ўқишинг керак”, деганди. Орадан кўп ўтмай, иккинчи, сўнг учинчи мақолам босилди. Кимгадир ёқди, кимгадир ёқмади, ammo менда журналист бўлишга қизиқиш пайдо бўлди. Мактаб кутубхонасидаги ўқилавериб, “хил-хил” бўлиб кетган китобларни қайта-қайта мутолаа қилдим. Бу касб ҳақида сўраб-суриштирдим, кўшни кишлоқлик бир қиз ТошДўнинг (ҳозирги ЎЗМУ) филология факультетига ўқир экан, ундан кириш имтиҳонларига қандай тайёргарлик кўриш кераклиги ҳақида сўрадим. У ҳам кўп китоб ўқиб, иншо ёзиш, тўғри жумла тузиш зарурлигини айтди.



Учинчи-ўн биринчи синфларда ўқиш билан бирга, газеталарга қишлоқ ҳаётига доир хат-хабарлар йўллаб турдим, мақолани қандай бошлаб, қандай тугатишни, сарлавҳа қўйишни ўргандим. Аста-секин лавҳа, танқидий мақола, очерк ёзишни машқ қила бошладим. Туман, вилоят газеталари ходимлари мени қўллаб турди. Икки-учта танқидий чиқиш қилганимдан кейин улардан “Ҳамма мақолаларингиз бир қишлоқдан бўлиб қоляпти, бошқа жойларга ҳам боринг, илгорлар ҳақида очерк, лавҳа ёзишга ҳаракат қилинг”, деган мазмунда хат олдим. Анча уриниб, пахтакор аёл ҳақидаги биринчи очеркимни қозога туширдим. Очерк: “Ярим кечада Турсуналининг уйкуси қочди. Ёнига ўгирилиб қараса, хотини жойида йўқ. Ташқарига чиқиб, у ёқ-бу ёққа ўша ташлади — йўқ. Хайрон бўлиб, отхонанинг эшигини очди — от жойида эмас. “Э, хайрият-э”, деб ўрнига келиб ётди...”

Шу очерк мени журналистикага олиб келди. 1964 йили ўн биринчи синфни тугатганимдан сўнг Ўшда махсус педагогика курсини битирдим, ўзим ўқиган мактабда ўқитувчилик қилдим, уч йил Бойкўнғир космодромида ҳарбий хизматда бўлдим. Шу ерда ўша йиллари космос мавзусида қизиқарли мақолалар ёздирган машҳур журналист Ярослав Голванов билан учрашдим. Хизматдан қайтгач, матбуотда чиққан мақолаларимни альбом ҳолига келтириб, журналистика факультетига ўқиш учун пойтахтга отландим.

Талабгор кўп бўлди. Тўртта имтиҳондан 18 балл тўллаб, Москва давлат университетига бериладиган иккита йўланманинг бирини қўлга киритдим, ammo оилавий шароит тўғрисида Тошкентда ўқийдиган бўлдим. Энг катта орзум вилоят газетасининг муҳбири бўлиш, журналист сифатида юрт кезиш эди. Орзум ортиги билан амалга ошди — дунё кездим, кўп йиллар нуфузли газеталар муҳаррири бўлдим, тахририятда “Маҳорат мактаби” ташкил этдим. Мана йигирма йил бўлдики, ўзим тахсил олган университетда бўлажак касбдошларимга сабоқ бераман. Бу сабоқлар журналистиканинг назарий асослари билан бирга, менинг ҳаётим қузатувларим, ижодий тажрибамдан иборат. Шу маънода, улар талабалар билан бирга, ўзим учун ҳам гоят зарур. Негаки, инсон бошқа бир инсонга бир нима учун ўқитиб беради, шу ўқитишни ўзи ҳам тинглаши, тегишли хулоса чиқариши керак. Бошқаларни эшитмаган одамни кечирса бўлади, ammo ўзини эшитмайдиган, англамайдиган, танқидий баҳолаш олмайдиган одамни тушуниш қийин.

Журналистика одамни бир умр талаба қилиб қўяди — матбуотда эплик

йил ишлайсизми, олти йилми, касб-ингиз сир-асрорларини тўла англаб етмайсиз. Баъзан бир хато, бир ютуқ, кўз ўнгингизда кечаётган жараён ёки оддий бир инсоннинг тақдири фикр оламингизни алғов-далов қилиб юборади. “Қирқ бешинчи бекат” китобимда тахририятга келган, ўқиган одамнинг вужуди аланга оладиган мактублардан мисоллар келтирганман.

Бу мушоҳадаларни қозога туширишимнинг боиси бор, албатта. Вақт шитоб билан ўтиб бормоқда. Инсон, жамият, табиат, дунёи дун, онг, тафаккур, талаб ва эҳтиёж, орзу-хавас тинимсиз ўзгаришда. “Эллик йилда эл янги бўлар”, деган мақоланинг оҳори кетди. Бугун миллий юксалиш йўлида, янги тафаккур, янгица ижтимоий қарашлар, иқтисодий муносабатлар шароитида яшамокдамыз. Бу шароит кўкдан тушмади, бировдан андаза олганимиз ҳам йўқ, уни ўзимиз — меҳнат, ҳаётимиз тажриба, ақл-идрок, салоҳият билан яратмоқдамиз. Бир ҳолатда



туриб қолган, кечаги кун билан яшаётган соҳанинг ўзи йўқ. Ҳаётнинг бугунги шиддати бунга йўл қўймайди. Умумий интилиш ва ҳаракат бор. Бу ҳаракат бошида мамлакат Президенти турибди.

Давлатимиз раҳбарининг яқинда Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида “Кўнчилиқ менга оммавий ахборот воситаларини “ёпишни” тақлиф қилмоқда, лекин мен буни ҳеч қачон қилмайман”, деган гаплари ҳам журналистика ҳаёт билан бирга қадам ташлаётганини, юртимизда ОАВ учун барча йўللар очик эканлигини кўрсатиб турибди.

Келинг, шу ўринда кейинги эллик йил ичида биргина Ўзбекистон Миллий университетига юз берган ўзгаришларга назар ташлайлик. Неча минг-минг талаба илм-фан, иқтисод ва сиебат, адабиёт ва маданият, тил ва тафаккур оламига шу ердан йўлланма олди. Бугун босма ва электрон нашрлар, радио ва телевидение, матбуот хизматлари, ташқи сиебат, дипломатия соҳаларида ишлаётган касбдошларимиз, адабиёт ва санъат даргалари, шoir ва ёзувчилар, давлат ва жамоат арбоблари орасида журналистика факультетининг собиқ талабалари кўпчиликини ташкил этади. Отаҳон даргоҳ бағридан қанча-қанча “фарзанд-факультетлар” ажралиб чиқиб, мустакил ўқув юрталарига айланди. Талабалар сони кейинги уч-тўрт йил ичида бир неча баробар ошди, ўқув жараёнида амалий натижавийликка эътибор қўйилди. Бир вақтлар филология ва журналистика факультетлари битта бинода ёнма-ён жойлашган бўлиб, таниқли устозларнинг хотирага нақшланадиган сабоқ-суҳбатларини

давом этиши керак. Бугун тажрибали устоз ҳам ёш талабадек, малака-маҳоратини ошириб бориши, педагогик услубига янгиликлар киритиши, устоз-шогирд муносабатларига ҳалол ва адолатли бўлиши, дунёвий тажрибалардан унумли фойдаланиши зарур. Бунинг учун ўқув жараёнини ҳар жиҳатдан пухта уйланган аниқ мақсадга йўналтириш талаб этилади. Бошқа соҳаларда, масалан, аниқ фанларда ўқув йили давомида ўтиладиган мавзулар, ўқиладиган маърузалар, амалий машғулотларни аввалдан режалаштирса бўлади. Журналистикада эса бундай йўл тутиш ўзини оқламайди. Бунинг объектив сабаблари мавжуд. Дунёда содир бўлаётган сиесий танглик, нарх-навоининг кескин ошиши, газ ва нефть бозоридagi мавҳумлик, босқин қуввиги, ер силкинishiлари ва бошқа талатўплар матбуот олдига янги вазифалар қўймоқда. Аниқроғи, журналистика бирор сиесий куч, тараф ёки бирлашманинг шахсий манфаатларини ифодалаш ўрнига, эркин ва очик минбар сифатида ўзининг ҳолис, адолатли қузатувидан келиб чиқадиган мантйик хулосаларига таяниши ва телик билан ҳаракат қилиши лозим. Бу — бугунги воқеа-ҳодиса бугуннинг ўзида шарҳланиши, ахборот, тахлил, хулоса сифатида истеъмолчига етиб бориши, ёлғон ва рост ахборотлар фарқланиши керак, дегани.

Журналистика захматли, адоксиз меҳнатли талаб этади. Бу захмат бир умр давом этади. Ўқишда, ўрганишда, ижод қаламини чархлашда тўхталиш мумкин эмас. Замонлар ўзгаргани сари матбуот олдида янги-янги вазифалар пайдо бўлади. Газетхон атамлиш ҳар янги авлод воқеа-ҳодисаларнинг рост талқинини, янги дунё, янги жамиятнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, мақсад-муддаосига доир таъбирчан шарҳларни қўлади. Буларси наинки газетхонни, ёзганларинга ўзининг ҳам ишонтира олмайсан.

Нашрнинг ҳар бир сонидa ўқувчи учун янги сўз айтиш, газетхон онг-шуурига таъсир кўрсатиш, унинг кўнглида маълум фикр-мушоҳада уйғотиш осон иш эмас. Чунки у ҳам бошқалар каби дунёни қузатиб турибди, шу бевозта дунё ичида яшаб, қувончу ташвишларга, буюк ихтирою машъум хатоликларга гувоҳ бўлмоқда. Шуорлар замонда газетанинг ҳар айтган сўзи, ҳар билдирган фикри, хоҳ тўғри, хоҳ ёлғон бўлсин, ҳақиқатга менгзаларди. Газетда чикдимси, бас, бошқача фикрга ўрин қолмасди. Бугунги матбуот одамлар тақдирини ўзи хоҳлаганча ҳал қилиш функциясидан халос бўлди. Энди у жамоатчиликнинг эмин-эркин минбари. Бу минбарда баҳсли, мунозарали фикрлар, танқидий тахлиллар, нотабий туюладиган тақлиф ва

ташабуслар ҳам бўлиши керак. Холис танқид — жазо қуроли эмас, энди у сизга, менга — ҳаммамизга маънавий ёрдам қилини чўзади, нуқсонларимизни беминнат кўрсатиб беради. Камчилиги эса...

Ҳеч бир нашр, ўта жасоратли бўлганда ҳам, маблаг, маош, қоғоз, транспорт ва бошқа зарур воситалар билан таъминланмайдиган муассисга қарши сўз айтмайди. Сиесий нашрлар рақиб партиялар фаолиятини бемалол танқид қилади, ammo ўзлари хусусида нордон гап қилиш ички тартиботни бузади. Бу принцип сақланиб қолар экан, матбуотнинг мустакиллигига, ҳолис фикр ривожига жиддий пугур этади. Бунинг давоси — иқтисодий жиҳатдан қарам бўлмаган, ўртада ҳолис тура оладиган, ҳаммага бир “кўз” билан қарашга қодир нашрларни кўпайтириш.

А.Камонинг “Эркин матбуот яхши ҳам, ёмон ҳам бўлиши мумкин. Эрсиз матбуот эса ҳаммаша ёмон бўлади”, деган фикри кўпчиликка таниш. Ж.Петан эса бундай дейди: “Еруғ келажак ҳақида сиебатчилар сўз юритади, ёруғ ўтмиш ҳақида тарихчилар ёзади. Бугунги ёруғ қилиш — журналистларнинг иши”. Станислав Лецинг хулосаси янада эътиборли: “Газета муассисга тегишли, сўз эркинлиги эса халққа тегишлидир”.

Шу фикрларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, матбуот жамият таркибига кирувчи демократик институтлардан бири экан, жамият қандай бўлса, унинг мабтуоти ҳам шундай бўлади, яъни жамият олдида турган вазифалар унинг матбуоти учун ҳам муҳим, бирламчи вазифа ҳисобланади. Россия, Украина, Грузия ёки Яқин Шарқ давлатлари матбуоти мазмунан бириридан кескин фарқ қилади, негаки, улар мансуб бўлган давлатлар олдида воқеа-ҳодисаларнинг турлича талқинларидан келиб чиқадиган вазифа туради ва бунда ҳар ким ўзини ҳақ деб ҳисоблайди. Матбуот тарихидан яхши маълумки, журналистик касб этикаси ва ижодкорлик бурчидан келиб чиқиб, зиммаларига ўта оғир вазифаларни олади. Нoшуд масъуллар, беғам раҳбарлар эътиборидан четда қолган муаммолар тугунини ечишга, яширилган, сохта-лаштирилган ҳақиқатларни очишга, адолат тикланишига хизмат қиладиган мақолалар ёзади. Дунё давлатларида, жумладан, Ўзбекистонда журналистларнинг журъдли чиқишлари билан янги қонун, қарор ва фармоишлар қабул қилинган, эл-юрт, яхши кўшнчилик манфаатларига зид чекловлар бекор бўлган, кўплаб муаммоларнинг ечими топилган ва бу жараён бугун ҳам давом этаётгани кўпчиликка яхши маълум. Шундай экан, Миллий университет олдида Янги Ўзбекистоннинг янги журналист кадрларини тайёрлаш билан боғлиқ гоят масъулиятли вазифа турганлигини сезмаслик мумкин эмас. Журналистика факультетига қўлида қалами бор, ижодкорликка мойил, матбуотда хабар ёки мақолалари эълон қилинган, ёш мухбирлар танловларида қатнашиб, касб ҳақида маълум тасаввурга эга ёшлар келса, уларга бадийий ёфода, тахлил ва тарғиб маҳоратини ўргатиш осон кечади. Бунинг акси бўлса, камида бир йиллик вақт журналистикага хос дастлабки тасаввурий сабоқлар билан ўтади. Дунёнинг нуфузли олий ўқув юрталарида талабалар журналистиканинг қонун-қоидаларига эмас, асосан, мантйик фикрлаш, баҳс юритиш маҳорати, тахлил, шарҳ маданиятига ўргатилади. Бундан англашладиган хулоса шунки, биз ҳар янги ўқув йилида факультетга кимлар, иқтидори ҳақ даражадаги йигит-қизлар келишини кўтиб ўтирмай, туман ва вилоятларда касбга йўналтиришга доир ташкилий ишларни ҳам олиб боришимиз, футбол академиялари каби ижодкорликка мойил ёшларни аввалдан аниқлаш иши, уларга тўғри йўлланма беришимиз зарур. Абитуриентларни ижодий суҳбатдан ўтказишда туман, шаҳар, вилоят газеталари, марказий нашрлар

тахририятлари, бошқа дахлдор ташкилотлар томонидан берилган тавсифномаларга эътибор бериш фойдадан холи бўлмайди. Уларда абитуриент журналистика факультетига ўқишга кирса, амалиётни тахририятда ўташи, кейинчалик уни иш билан таъминлаш тасдиқланса, янада яхши. Шундай қилинса, факультетга тасодифан кириб қоладиганлар сони анча камаяди.

Кимдир “Тўрт йилда ёзишга ўргатиш мумкин эмасми?” дейиши мумкин. Ургатса бўлади, зигирча қизиқиши бор, газетани журналдан, ахборотни мақоладан фарқлай оладиганларга ўргата оламиз, ammo журналистикани бирламчи қизиқадиган ёшларда ижодий малака ҳосил қилиш қийин.

Иккинчи вазифа — биз журналистиканинг қайси йўналиши учун кадр тайёрлашимизни аниқ тасаввур қилишимиз, ўқув жараёнини, фанлар кетма-кетлигини шунга мослаштиришимиз керак. Бу хусусда кўп гапирилади, режалар қилинади, ammo натижа кўнглида қандайдир эмас. Тажриба сифатида бир ўқув йилида парламент журналистикасига, бошқа йилда матбуот (ахборот) хизматларига, радио-телевидение, ношрлик (тахрир), маданият ва спорт йўналишларига буюртмага қараб ургу берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Негаки, эндиликда ижтимоий буюртмасиз ишлашнинг келажаги йўқ.

Учинчи вазифа — республика миқёсида ўтказиладиган ижодий танловларда совринли ўринларни эгаллаган, радиога эшиттириш, телевидениеда кўрсатув олиб бораётган, матбуотда мақолалари тез-тез эълон қилинадиган талабаларга маълум имтиёз, масалан, баъзи фанларни мустакил ўрганиш, танлаш ҳуқуқини бериш пайти келди. Учинчи ва тўртинчи босқичларнинг ўқув режасида танлов фанлари устуворлик қилиши керак. Ўқини битиргач, телевидениеда ишлаши маълум бўлган (ҳозирнинг ўзида ишлаётган) талабага газета ёки журнал иқтисодиётини, маънавий-маърифий журналистика йўналишини танлаганларга менежерлик ёки газета типологиясини чуқур ўргатиш шарт эмас. Журналистика факультети талабалари учун тузиладиган ўқув дастурларида ижтимоий-бадий ижодкорлик билан бевосита боғлиқ фанлар кўп бўлиши шарт.

Бир аудиторияда олтимишдан ортиқ талабага дарс ўтиш оғир. Энг тажрибали ўқитувчи ҳам 90 дақиқа давомида шунча талабанинг диққатини бир жойда ушлаб туролмайди. Бир неча йил давомида уларни иккига бўлиб ўқитишга тўғри келди. Бунда... ҳозиргина маълум мавзу хусусида дарс ўтиб, аудиториядан чиққан ўқитувчи қисқа танаффусдан кейин бошқа аудиторияга кириб, айни шу дарсини, шу мавзунини қайта ўқишга тўғри келди. Бу муаммони талабаларни маълум йўналишлар асосида гуруҳларга бўлиб ўқитиш орқали ҳал этиш мумкин.

Мақола якунида яна бир жиҳатга тўхталиб ўтмоқчиман. Фиримча, университет факультетлари фаолиятини назорат қилувчи масъуллар ишнини қайта кўриб чиқиш керак. Текшириш, назорат қилиш зарур, албатта. Таассуфки, комиссиялар, асосан, қозога, ёзма протоколларга қизиқмади. Дарс сифати, мазмунинг долзарблиги, ўқитувчининг педагогик маҳорати, ишонтириш санъати, бу хусусда талабаларнинг фикри қандайлигига камдан-кам ҳоллардагина эътибор берилди. Мавзунини берилиб тушунтираётганингизда ашқи шаҳд билан очилиб, аудиторияга комиссия аъзолари кириб келса ва талабаларни саноий бошласа... дарс шу билан тугайди.

Журналистика шундайки, ҳаётнинг ўзи ҳеч бир дастурда, ишчи режада кўзда тутилмаган мавзуларни шаҳд билан ўртага қўяди: мамлакат ҳаётида муҳим воқеа юз беради, давлатимиз раҳбарининг Фармони ёки қарори эълон қилинади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижалари дунё миқёсида эътироф этилади. Бу воқеалар моҳиятини шу куннинг ўзида очиб бериш, эрталаб чоп этилган марказий газеталардаги йирик тахлилий мақолаларни шарҳлаш, ютуқ-камчиликларини аниқлаш ўқитувчининг бирламчи муҳим вазифаси. Журналистика факультетига ҳар ўқув кунини шундай бошлашни керак.

Хулоса ўрнида шунини айтиш зарурки, журналистиканинг талаб ва қоидалари қотиб қолган доғма эмас — доимий ҳаракатда, муттасил янгиланадиган ижодий жараён. Шундай экан, бу жараёнга ҳамма ижодий кўз билан ёндашиши зарур.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК  
Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ  
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси  
Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмахона телефони: (71) 233-11-07  
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-346.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
13787 нусхада босилди.  
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов  
Мусаҳҳиш: Рашид Хўжамов  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев  
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй  
ЎЗА Якуни — 02:55 Тошпирилди — 03:30